

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР РИВОЖЛАНИШИНГ БАҲОЛАШ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИ

С.Сайитмуродов

*Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг
Каттақўргон филиали Бухгалтерия ҳисоби таълим юналиши 3-босқич талабаси*

Э.Жумаев

*Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг
Каттақўргон филиали Бухгалтерия ҳисоби таълим юналиши 3-босқич талабаси*

О.Н.Хайтов

*Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг
Каттақўргон филиали ассистенти*

Аннотация: мазкур мақолада замонавий дунёда иқтисодиёт, банк-молия соҳасини модернизациялаш ва бизнесни муваффақиятли ривожлантиришга ёрдам берадиган, жисмоний ва юридик шахсларга тегишли баҳолаш обекти ҳисобланмиш барча активлар қиймати тўғрисида хулоса берадиган ҳамда уларнинг фаолиятини яхшилаш мақсадида уларга маслаҳат, йўл-йўриқ ва бошқа турлардаги амалий ёрдам кўрсатадиган профессионал хизматга – баҳолаш фаолиятига талаб ортиб бормоқда. Мамлакатимизда баҳолаш фаолиятни ривожлантириш билан бирга ушбу соҳада қонунчиликни тартибга солиш ва мустаҳкамлаш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда.

Таянч сўзлар: рақамили транформациялар, оффшор ҳудудлар, саноат корхоналари, қимматли қофозлар, капитал бозори, инвестициялар, инновациялар, инвестиция фаолиятига таъсир қилувчи омиллар, солиқ концепцияси, солиқ имтиёзлари, савдо ва бож тарифлари.

Замонавий дунёда иқтисодиёт, банк-молия соҳасини модернизациялаш ва бизнесни муваффақиятли ривожлантиришга ёрдам берадиган, жисмоний ва юридик шахсларга тегишли баҳолаш обекти ҳисобланмиш барча активлар қиймати тўғрисида хулоса берадиган ҳамда уларнинг фаолиятини яхшилаш мақсадида уларга маслаҳат, йўл-йўриқ ва бошқа турлардаги амалий ёрдам кўрсатадиган профессионал хизматга – баҳолаш фаолиятига талаб ортиб бормоқда. Мамлакатимизда баҳолаш фаолиятни ривожлантириш билан бирга ушбу соҳада қонунчиликни тартибга солиш ва мустаҳкамлаш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган рақамили транформациялар, янги технологияларнинг пайдо бўлиши ва уларни иқтисодиётда қўлланилиши тобора ортиб бормоқда ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Рақамили Ўзбекистон – 2030”¹³⁶ дастури доирасида таъкидлаганидек: “дунё соат сайин ўзгариб бормоқда...”¹³⁷. Хусусан, Президент томонидан “Рақамили Ўзбекистон – 2030”

(кейинги ўринларда — Стратегия) стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тұғрисида фармон имзоланды. Иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, шу жумладан электрон давлат хизматларини күрсатиш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган ушбу стратегия кейинги йилларда дастури-амал бўлиб хизмат қилиши белгилаб берилди.

Тўртинчи саноат инқилоби — рақамли иқтисодиётдир. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг рақамли секторини ривожлантириш борасида давлат томонидан кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда, электрон ҳужжат айланиши тизимлари жорий этилаётгани, электрон тўловлар ривожлантирилиб борилаётгани ва электрон тижорат соҳасидаги норматив- ҳуқуқий база такомиллаштирилаётгани – бугунги янги Ўзбекистоннинг ривожи учун қўйилаётган үлкан қадамлардир. Ахборот-технологик платформаларда фаолият кўрсатаётган рақамли иқтисодиёт жадал ривожланмоқда, бу эса шундай платформаларнинг янги моделларини яратиш заруратини тақозо этмоқда. “Блокчайн” технологиялари (маълумотларнинг тақсимланган реестри технологииялари), “сунъий интеллект”, суперкомпьютерлар имкониятларидан фойдаланиш, шунингдек, крипто- активлар бўйича фаолият жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўналишларидан бири ҳисобланади. “Катта ҳажмли маълумотлар таҳлили” ҳамда “сунъий интеллект” технологииялари нафақат иқтисодиётнинг кўплаб секторларига, балки давлат бошқаруви тизимиға ва бошқа жамоатчилик муносабатларига аста-секин жорий этилмоқда. Баҳоловчилар ишини муайян даражада осонлаштириш мақсадида янги қонун ҳужжатлари мураккаблаштирилмоқда. Сўнгги йилларда рақамли технологииялар соҳасидаги мутахассислар томонидан кўплаб профессионал дастурлар, электрон маълумотлар базалари ва алгоритмлар ишлаб чиқилмоқда. Улар баҳоловчиларга кўрсаткичларни ҳисоблаш билан боғлиқ вақтни сезиларли даражада қисқартириш имконини беради ва баҳолаш обектлари бўйича энг аниқ маълумотларни тақдим этади.


Баҳолаш хизматларининг анъанавий мижозлари - банклар ва йирик корпорациялар катта ҳажмли маълумотлар(Bigdata) билан муваффақиятли ишлашмоқда, аксарият баҳоловчилар эса ушбу воситалар ва усуслар билан танишиш ва ўзлаштириш босқичида. Ишончли ва шаффоф баҳолаш барқарор молиявий бозорларни қўллаб-қувватлаш жараёнида мұхим рол ўйнайди ва бугунги кунда барча Интернет- ресурслари буни таъминлашга қодир, шунинг учун баҳолаш фаолиятида рақамли технологииялардан фойдаланиш мавзуси долзарбdir.

Баҳолаш фаолиятида сунъий интеллектдан фойдаланиш ва рақамлаштириш мавзуси бугунги кунда нисбатан янги мавзу бўлсада, қатор соҳа мутахассислари томонидан илмий ишлар олиб борилган. Бироқ, айнан баҳолаш фаолиятини рақамлаштириш ва сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича дарслик ва ўқув

қўлланмалар ҳозирча нафақат мамлакатимизда, балки бутун жаҳон бўйича ҳам чоп этилмаган. Бу соҳа бўйича хорижий олимлардан

— Лайра Пиантанида, Александр

Аронсоҳн, Жамес Э. Гиббонс, Марк Линнэ, Санонне Ж. ва Масдоналд Р.Ж. томонидан илмий изланишларни кўриш мумкин.



1-расм. Сунъий интеллект бозор ҳажми (млрд. АҚШ долларида)⁶

Россия олий иқтисод мактаби изланувчилари тадқиқотларига кўра сунъий интеллект технологияларини жорий этиш кунсайин ошиб бормоқда. Юқоридаги 1-расм орқали кўришимиз мумкинки 2016-йилда сунъий интеллект жорий этиш учун дунё миқёсида 1,4 млрд АҚШ доллари маблағлари сарфланган бўлса бу кўрсаткич 2025- йилга келиб 59,7 млрд АҚШ долларига етиши ёки 42 бараварга ошиши кутилмоқда. Дунё бўйлаб сунъий интеллект қўллаш орқали соҳаларда 2020 йилгача 2,3 миллион иш ўрни яратилди ва ҳозирги кунда дунё ишчиларининг 20% иш фаолиятида мунтазам сунъий интеллект технологияларига таянади. 2025 йилга келиб дунё ишчиларнинг 85% иш фаолиятида мунтазам сунъий интеллект технологиялари ёрдамига таяниши кутилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ;

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 13-апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6207-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.

2. Қудратов Ш.Ф. Ўзбекистон Республикаси фонд бозори ва унинг ривожланишига таъсир қилаётган асосий муаммолар. Международный научный журнал № 2 (100), часть 2 «Научный импульс» сентябрь, 2022. С. 688.

3. Султонов Ш.Н. Ўзбекистонда фонд бозорини ривожлантириш йўллари.
Иқтисодиёт ва таълим / 2022-йил 5-сон.

4. Нурмухамедов А.А. Нурмухамедова Б.И. Фонд бозори ривожланишининг
ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий ўсиш билан боғлиқлиги. "Скиэнке анд
Эдукатион" Скиэнтифик Жоурнал. / ИССН 2181-0842 Марч 2023 / Волуме 4 Иссуэ 3